

Ўзбекистон Республикаси номидан
Х У К М

2025 йил июнь ойининг 23 куни жиноят ишлари бўйича Қарши туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида бўлиб,

шу суд раиси [REDACTED] раислигида,

[REDACTED] котиблигида,

Тарафлардан: давлат айбловчиси Қарши туман прокурорининг катта ёрдамчиси [REDACTED]

сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

[REDACTED] – 1966 йил 9 январда Қарши туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам Россия Федерацияси Москва вилояти, Подольск шаҳар судининг 2021 йил 11 августдаги ҳукми билан РФ ЖК 105-моддаси билан айбли деб топилиб, 9 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, 2022 йил 15 сентябрь кундаги РФ Президентининг Афв тўғрисидаги фармониغا асосан афв этилган, Қарши тумани, “Мустақиллик” маҳалла фуқаролар йиғини, А.Қодирий кўчаси 4-уйда яшаб келган, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 221-моддаси тартибида 2025 йил 1 апрель куни ушланиб, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 3 июнь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 154-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини таҳлил қилиб, тарафларнинг музокараси ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED] 2020 йил 27 февраль куни Россия Федерациясининг Москва шаҳрига мавсумий ишлаш мақсадида бориб, у ерда бўлиши давомида қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганликда гумон қилиниб қўлга олинган ҳамда 2021 йил 10 август куни жиноят ишлари бўйича Москва вилояти, Подольский шаҳар суди томонидан РФ ЖКнинг 105-моддасида (*қасддан одам ўлдириш*) кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилиб, 9 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган ва жазо муддатини РФнинг Саранск вилояти, Мардовия шаҳрида жойлашган ИК-7-сонли ЖИЭМда ўташни бошлаган.



Шундан сўнг, [REDACTED] мазкур ЖИЭМда жазо муддатини ўташи давомида ўзига тегишли хулоса чиқармасдан 2022 йил 21 сентябрь куни РФ ҳудудида фаолият олиб бораётган “Вагнер” Хусусий Ҳарбий Ширкати томонидан берилган таклифга асосан Россия Федерацияси тарафини олиб, “Россия-Украина” ўртасида бўлаётган жанговар ҳаракатларда иштирок этиш тўғрисида Россия Федерацияси Мудофаа вазирлиги билан шартнома тузган.

[REDACTED] 2022 йил 21 сентябрь кунидан 2023 йил 21 март кунига қадар “Россия-Украина” ўртасида бўлаётган жанговар ҳаракатларда Россия Федерацияси тарафини олиб иштирок этган.

[REDACTED] 2023 йил 21 март куни ҳарбий ҳаракатлардан озод этилиб, мазкур ҳарбий ҳаракатларда намунали иштирок этганлиги эвазига Россия Федерацияси Президентининг фармони билан содир этган жинояти учун авф этилган ҳамда “За отвагу” ва бошқа турли кўкрак нишонлари билан тақдирланган.

[REDACTED] ҳарбий хизматни ўтаб бўлгач, 2023 йилнинг март ойидан 2025 йилнинг март ойига қадар ишлаб пул топиш мақсадида Россия Федерацияси Москва шаҳрида турли кўринишдаги меҳнат турлари билан шуғулланган.

Шундан сўнг, [REDACTED] 2025 йил 9 март куни “Москва-Самарқанд” йўналишидаги авиарейс орқали Ўзбекистон Республикасидаги яшаш манзилига қайтиб келиб, 2025 йил 11 март куни содир этган жинояти хусусида ДХХ Қашқадарё вилояти бўйича бошқармасига ихтиёрий равишда пушаймонлик аризаси билан мурожаат қилган ҳамда ўзининг “Россия-Украина” ўртасидаги жанговар ҳаракатларда иштирок этганлигини тасдиқловчи нарса ва ҳужжатларни тақдим қилган.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлса-да, низолашаётган давлатнинг фуқароси ва ҳарбий хизматчиси бўлмаса-да, низолашаётган давлат ҳудудида доимий яшамасада, бирор давлат томонидан қуролли кучлар таркибида расмий топшириқни бажариш ваколати берилмаган бўлса-да, шахсий манфаатини кўзлаб, Россия Федерацияси тарафидан Украина Республикасига қарши олиб борилаётган қуролли тўқнашувларда ва ҳарбий ҳаракатларда қатнашиб келганлиги аниқланган.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, Россия давлатига мавсумий ишлаш мақсадида 2013 йилдан буён бориб келишини, охириги маротаба 2020 йил 27 февраль куни Россия Федерациясининг Москва шаҳрига боргани, Москва шаҳрига борганидан сўнг қурилиш ишларида ишлаб, карантин бошланганлиги сабабли яшаш манзилига қайта олмагани, 2021 йилнинг сентябрь ойларида Подольск туманида қурилишда ишлаб юрган вақтида уч нафар Навоий вилоятида яшовчи шахслар билан қурилиш фирмасига тегишли вагон кўринишидаги ётоқхонада бирга яшаб келгани, улар билан ётоқхонада яшаб келиши давомида ётоқхонада спиртли ичимлик истеъмол қилиб келган шериги билан ўзаро жанжаллашиб, жаҳл устида ўзимни ҳимоя қилиш мақсадида “Назар” исмли кишининг кўкрак қисмига пичоқ санчиб олгани оқибатида “Назар” олган тан жароҳати сабабли вафот этгани, содир қилган жинояти юзасидан унга нисбатан 2021 йил



10 август куни Подольск шаҳар жиноят ишлари бўйича суди томонидан 9 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлангани, жазони Саранск вилояти, Мордовия шаҳрида жойлашган ИК-7-сонли умумий тартибли жазони ўташ муассасасида ўтаб келгани, 2022 йил сентябрь ойида у жазо ўтаб келаётган муассасага “Россия-Украина” ўртасида бўлаётган жанговар ҳаракатларда асосий ҳарбий ҳаракатларни олиб бораётган “Вагнер” хусусий ҳарбий компанияси раҳбарлари келишгани, улар маҳкумлар орасидан ҳарбий ҳаракатларда қатнашиш учун шартнома тузаётганликларини эшитгани, ЖИЭМ махсус сақлаш бўлими раҳбари унга урушга бориши учун номини ёзиб юборишганини айтгани, у “Россия-Украина” ўртасида бўлаётган жанговар ҳаракатларда Россия Федерацияси тарафини олиб иштирок этиш таклифига рози бўлгани ва 2022 йил 18 сентябрь куни “Вагнер” хусусий ҳарбий ширкати масъул шахслари унга ҳар ойда 100.000 рубль миқдорида ойлик маош беришларини, РФ фуқаролиги берилишини, шунингдек унга тайинланган жазони ўтамаслигини ваъда қилишгач, уларнинг таклифига рози бўлиб, 2022 йил 21 сентябрь кунидан 2023 йил 21 март кунига қадар “Россия-Украина” ўртасида бўлаётган жанговар ҳаракатларда Россия Федерацияси тарафини олиб иштирок этганлиги, ундан сўнг 2025 йил 9 март кунига қадар турли ишлар ёлланма ишларда ишлаб юриб, 2025 йил 9 март куни “Внуково-Самарқанд” йўналишидаги самолёт орқали учиб уйига қайтиб келгани, 2025 йил 11 март куни ўз ихтиёри билан ДХХ Қашқадарё вилояти бўйича бошқармасига ариза билан мурожаат қилиб, “Россия-Украина” ўртасидаги жанговар ҳаракатларда иштирок этганлигини тасдиқловчи ҳужжат ва буюмларини, ўзининг номига расмийлаштирилган АА9551984 серия ва рақамли биометрик паспортини ихтиёрий равишда тақдим қилиб, айбига иқрорлик кўрсатувларини берганлиги, ҳозирда қилмишидан чин қўнгилдан пушаймонлигини, ўз ҳаракатларини оқибатини тўлиқ тушуниб етганлигини, бундан кейин бу каби жиноятларни содир қилмаслигини билдириб, унга нисбатан енгиллик беришни сўради.

Судланувчи [] ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб кўрсатув берса-да, унинг мазкур ҳукмда кўрсатилган жиноятларни содир этганликдаги айблари қуйидаги далиллар билан ўз тасдиғини топади.

Ўз розилиги билан сўралган гувоҳ [] суд мажлисида, судланувчи [] отаси экани, у 2020 йилнинг февраль ойида ишлш мақсадида Россия Федерациясига кетган бўлгани, отаси Р.Дулопов 2021 йилда РФда ишлаб юриб, ўзининг ўзбекистонлик шериклари билан жанжаллашиб қолиши натижасида бир нафар шеригини ўлдириб қўйганлиги ойибатида РФ қонунчилиги бўйича жиноий жавобгарликка тортилиб қамалгани, 2023 йилнинг март ойида отаси [] унга қўнғироқ қилиб, жазони ўтаб бўлганлигини, озодликка чиққанлигини айтгани, шундан сўнг отаси Р.Дулопов билан 2023 йилнинг апрель ойидан то уйига қайтиб келгунга қадар доимий равишда “WhatSaap” иловаси орқали гаплашиб тургани, отаси уйга қайтиб келгач суҳбатлашганида жиноят содир этиб жазо ўташи давомида 2022 йилнинг сентябрь ойида РФ Мудофаа вазирлиги билан шартнома тузиб, “Россия-Украина” ўртасида бўлаётган жанговар ҳаракатларда иштирок этишга



розилик билдиргани, сўнг 6 ой давомида жанговар ҳаракатларда иштирок этгани, 2023 йилнинг март ойида жанговар ҳаракатлардан озод этилгани, жанговар ҳаракатларда намунали иштирок этганлиги учун турли хилдаги фахрий ёрлик ва медаллар билан тақдирлангани, фахрий ёрлик ва медалларни, шунингдек жанговар ҳаракатларда иштирок этганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни ўзи билан бирга олиб келганини айтиб бергани ҳақида кўрсатув берди.

Ўз розилиги билан сўралган гувоҳ Қ.Дўлопов суд мажлисида, судланувчи [REDACTED] отаси экани, гувоҳ [REDACTED] амакиси эканини маълум қилиб, гувоҳ [REDACTED] кўрсатувига ўхшаш мазмунда кўрсатмалар беришди.

Гувоҳ [REDACTED] Қарши тумани, “Мустақиллик” МФЙда ҳоким ёрдамчиси лавозимида хизмат қилиб келаётгани, [REDACTED] ҳам шу маҳаллада оила-аъзолари билан бирга яшаб келгани боис уни илгаридан танишини, [REDACTED] оиласи маҳалладаги намунали оилалардан бири ҳисобланишини, [REDACTED] доимий равишда Россия Федерациясига мавсумий ишлаш мақсадида бориб келгани, 2025 йил март ойининг ўрталарида [REDACTED] РФдан яшаш хонадонига қайтиб келгани, 2021 йилнинг сентябрь ойида РФда жиноят содир этиб қамалгани, жазо муддатини ўташи давомида 2022 йилнинг сентябрь ойида РФ Мудофаа вазирлиги билан шартнома тузиб, “Россия-Украина” ўртасида бўлаётган жанговар ҳаракатларда иштирок этишга розилик билдиргани, 6 ой давомида жанговар ҳаракатларда иштирок этгани, 2023 йилнинг март ойида жанговар ҳаракатлардан озод этилгани, жанговар ҳаракатларда намунали иштирок этганлиги учун турли хилдаги фахрий ёрлик ва медаллар билан тақдирлангани, фахрий ёрлик ва медалларни, шунингдек жанговар ҳаракатларда иштирок этганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни ўзи билан бирга олиб келганидан хабар топгани, ҳозирда ўзи бошчилигида маҳалла фаоллари билан бирга МФЙда истиқомат қилувчи, РФга кетиш истагини билдирган фуқаролар билан доимий равишда тушунтириш ишларини олиб бораётганлари, фуқаролар билан тушунтириш ишларини амалга оширишлари давомида уларга “Россия-Украина” ўртасида бўлаётган жанговар ҳаракатларда иштирок этиш Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигига мувофиқ жиноий жавобгарликни келтириб чиқариши тўғрисида таъкидлаб келаётганлари ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳлар [REDACTED] суд мажлисида, гувоҳ [REDACTED] кўрсатувига ўхшаш мазмунда кўрсатмалар беришди.

Суд, ушбу жиноят иши юзасидан тўпланган иш ҳужжатларини текшириб чиқиб, юқорида қайд этилган судланувчи, ва гувоҳларнинг кўрсатувларига Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95, 112-моддалари талаблари бўйича баҳо бериб, суд мажлисида аниқланган ҳолатларни ҳамда тергов материалларини Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 22-моддаси талаблари асосида синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текшириб чиқиб, судланувчи Р.Дулоповнинг айби, жиноят иши ҳужжатларидаги, 2025 йил 14 март кунидаги ихтиёрий равишда тақдим қилинган нарсани қабул қилиш баённомаси, мазкур баённома орқали



РФ Мудофаа вазирлиги билан олти ой муддатга ҳарбий хизматни ўташ тўғрисида шартнома имзолаб “Россия-Украина” ўртасида бўлаётган урушда Россия Федерацияси тарафини олиб жанговар ҳаракатларда иштирок этганлигини тасдиқловчи нарса ва ҳужжатларни ихтиёрий равишда тақдим қилгани, 2025 йил 30 апрель кундаги кўздан кечириш баённомаси билан, мазкур баённома орқали Р.Дулопов томонидан ихтиёрий равишда тақдим этилган ҳамда унинг номига расмийлаштирилган АА 9551984 серия ва рақамли биометрик паспорт кўздан кечирилиб, кўздан давомида 27.02.2020 йилда Россия Федерациясига борганлиги, 08.03.2025 йилда Россия Федерациясидан чиқиб 09.03.2025 йилда Ўзбекистон Республикасига кирганлиги тўғрисида чегара муҳрлари борлиги аниқлангани билан, телефон аппаратини кўздан кечириш баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа ҳужжатлар билан ўз тасдиғини топади деб ҳисоблайди.

Суд ёлланиш, яъни низолашаётган давлатнинг фуқароси ёки ҳарбий хизматчиси ҳисобланмасдан ёхуд назорат қилиниб турган низолашаётган давлат ҳудудида доимий яшамасдан ёки ҳеч қандай давлат томонидан қуролли кучлар таркибида расмий топшириқни бажариш ваколати берилмасдан шахсий манфаатни кўзлаб, ўзга давлат ҳудудида ёки унинг тарафини олиб қуролли тўқнашувда ёхуд ҳарбий ҳаракатларда қатнашиш учун ёлланишда ифодаланган жиной ҳаракати дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 154-моддасининг 1-қисми билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Судланувчи жиноятни қасддан содир этган.

Суд, судланувчи айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жиноятни очилишида фаол ёрдам берганлигини, оилавий аҳволини, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлиги ва оилада ягона боқувчи шахс эканлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазосини оғирлаштирувчи ҳолатларни эътироф этмади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси талабига кўра, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кундаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарори 26-бандида, “Озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида, одатда, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, алоҳида ҳолларда эса, судланувчининг шахсини инобатга олган ҳолда - ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса, қўлланилади” деб тушунтириш берилган.



Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддаси 2-қисмида “Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 8-моддаси 1-қисмида “Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир – енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 37-бандига кўра, ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин.

Бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозим.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.).

Суд, юқоридаги Конституция ва Қонун нормаларига, пленум Қарорининг тушунтиришларига амал қилиб, судланувчи Р.Дулоповга жазо тури ва меъёрини тайинлашда, унинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омилларни, жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатларни, айбига тўлиқ иқдорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жиноятни очишда фаол ёрдам берганлигини, оилавий шароитини ва оилада ягона боқувчи шахс эканлигини жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар деб баҳолаб, шунингдек жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда, ЖКнинг 154-моддаси



1-қисми санкциясида назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги жазо, яъни озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим топди.

Бундан ташқари суд, иш бўйича ашёвий ва ёзма далил деб эътироф этилган [REDACTED] томонидан тақдим этилган, унинг “Россия-Укараина” ўртасида бўлаётган жанговар ҳаракатларда РФ тарафини олиб иштирок этганлигини тасдиқловчи жами 7 варақдан иборат бўлган ҳужжатларни, “ЗА ОТВАГУ” ҳамда “W ПРОЕКТ “42174” K94-082” кўринишидаги ёзувлар туширилган жетон ва медалларни жиноят иши ҳужжатлари билан биргаликда сақлашни, 01.05.2015 йилда [REDACTED] номига расмийлаштирилган AA9551984-серия ва рақамли биометрик паспортни ҳукм қонуний кучга киргач, судланувчи [REDACTED] ўзига қайтаришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 454,457,463, 465-468, 471-474-моддаларини қўллаб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И :

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 154-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖК 154-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда, 3 (уч) йил 6 (олти) ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин ва унинг сутканинг кеч соат 22:00дан эрталаб соат 07:00га қадар яшаш жойи Қарши тумани, “Мустақиллик” маҳалла фуқаролар йиғини, А.Қодирий кўчаси 4-уйдан чиқиши чеклансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 62-моддасига асосан [REDACTED] 2025 йил 1 апрель кунидан 2025 йил 23 июнь кунига қадар қамокда сақланган 2 (икки) ой 23 (йигирма уч) кунни тайинланган жазодан чегириб, унга ўташ учун 3 (уч) йил 3 (уч) ой 7 (етти) кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

Унинг зиммасига:

- назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш ёки иш жойини ўзгартирмаслик;

- Қашқадарё вилояти ҳудудидан чиқмаслик қўшимча тақиқлари юклансин.

[REDACTED] қўлланилган “қамокқа олиш” эҳтиёт чораси бекор қилиниб, суд залидан дарҳол озод қилинсин.

[REDACTED] жазони ўташ даврида, унга белгиланган чеклашларни бузган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ЖК 48¹-моддасининг 6-бандида кўрсатилган оқибатлар юзага келиши мумкинлиги тушунтирилсин.

[REDACTED] озодликни чеклаш жазосининг муддати Қарши туман ИИО Пробация гуруҳига ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм ижросини назорат қилиш [REDACTED] яшаш жойидаги Қарши туман ИИО Пробация гуруҳига юклатилсин.

Ашёвий ва ёзма далиллар – [REDACTED] “Россия-Укараина” ўртасида бўлаётган жанговар ҳаракатларда РФ тарафини олиб иштирок этганлигини тасдиқловчи жами 7 варақдан иборат бўлган ҳужжатлар, “ЗА ОТВАГУ” ҳамда



“W ПРОЕКТ “42174” K94-082” кўринишидаги ёзувлар туширилган жетон ва медаллар жиноят иши ҳужжатлари билан биргаликда сақлансин.

- 01.05.2015 йилда [REDACTED] номига расмийлаштирилган AA9551984-серия ва рақамли биометрик паспорти ҳукм қонуний кучга киргач, судланувчи [REDACTED] ўзига қайтарилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб 10 сутка ичида шу суд орқали Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, иш апелляция тартибида кўрилмаган тақдирда, қонуний кучга кирган ҳукм устидан кассация тартибида шикоят келтиришга ёки прокурор протест билдиришга ҳақли.

[REDACTED]

